

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАМАНСУРОВА ИНДИРА АЛИШЕРОВНА

**ХОМИЛАДА ҚОРИНЧАЛАРАРО ТЎСИҚ НУҚСОНИ ТАШХИСИДА
МУЛТИПАРАМЕТРИК ПРЕНАТАЛ ЭХОКАРДИОГРАФИЯНИНГ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.19 - Клиник радиология
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шамансурова Индира Алишеровна

Хомилада коринчалараро тўсиқ нуқсони ташхисида

мултипараметрик пренатал

эхокардиографиянинг имкониятлари3

Шамансурова Индира Алишеровна

Возможности мультипараметрической

пренатальной эхокардиографии в диагностике

дефекта межжелудочковой перегородки у плода27

Shamansurova Indira Alisherovna

Opportunities of multiparametric prenatal

echocardiography in the diagnosis of ventricular

septal defect in the fetus51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАМАНСУРОВА ИНДИРА АЛИШЕРОВНА

**ХОМИЛАДА ҚОРИНЧАЛАРАРО ТЎСИҚ НУҚСОНИ ТАШХИСИДА
МУЛТИПАРАМЕТРИК ПРЕНАТАЛ ЭХОКАРДИОГРАФИЯНИНГ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.19 - Клиник радиология
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3375 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори

Агзамова Шоира Абдусаламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Фазылов Акрам Акмалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобомуратов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-06.

Диссертация автореферати 2024 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2024 йил « ____ » _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М. Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгашраиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгашилмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, туғилгандан кейинги илк 4 ҳафта давомида ҳар йили 303000 нафар бола ривожланиш нуқсонлари туфайли вафот этади. Ривожланиш нуқсонлари узоқ муддатли ногиронликка олиб келиши мумкин, «...бу эса алоҳида шахслар, уларнинг оилалари, соғлиқни сақлаш тизимлари ва жамиятга катта таъсир кўрсатади...»¹. Туғма юрак нуқсонлари (ТЮН) яна бир учдан бир қисмини ташкил этади ва ҳар 1000 туғилган чақалоққа 8 дан 12 гача ҳолатда учрайди. Ҳар йили бутун дунёда 1,5 миллионга яқин туғма юрак нуқсонлари қайд этилади. Турли тадқиқотлар маълумотлари шундайки, барча ТЮНдан 20-30% дан 40-50% гача қоринчалараро тўсиқ нуқсонлари (ҚАТН) ҳисобига тушади, бу ҳолат ҳар 10000 туғилган чақалоққа 41,8 марта учрайди. Аниқ пренатал ташхис чақалоқнинг келажақдаги ҳолати учун потенциал клиник фойда келтириши мумкин.

Жаҳонда сўнгги йилларда маҳаллий ва хорижий олимлар пренатал ултратовуш пайдо бўлгани туфайли кўплаб туғма касалликларни аниқлашда катта ютуқларга эришдилар. Бу борада, замонавий илмий ютуқларга асосланган энг янги ташхис усулларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш туфайли. Ушбу усуллар орасида асосий ўринни ултратовуш эгаллайди. Туғма ривожланиш нуқсонлари кенг спектрини ўз вақтида аниқлаш ва шундай нуқсон билан болаларнинг туғилишини балки юракдаги узгариш даражасига таъсир этувчи кўрсаткичларини ўрганувчи анамнестик маълумотлари ва унинг натижасида ўрта ва юқори хавф камайтиришга ёрдам берадиган муайян натижаларга эришилди. Бироқ кўплаб жиддий бузилишлар ҳомиладорликнинг кечроқ босқичларида ривожланиши мумкин, бу ҳатто тажрибали мутахассис томонидан энг замонавий ускуналардан фойдаланган ҳолда ҳам доим ҳам диагностика қилинмайдиган текширувлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, болалар касалликларнинг эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олиш бўйича катта натижаларга эришилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида, жумладан «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»² касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга катта аҳамият берилмоқда ва бу йўналишда катта ишлар амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда хорижий олимларнинг маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия ва Япониядаги диагностика методларидаги илғорликлар туфайли ҚАТН диагностикаси сезиларли даражада яхшиланди. Бунинг асосий сабаби, мультипараметрик пренатал эхокардиографиянинг жорий этилиши ҳисобланади. Ушбу усул анъанавий 2D эхокардиографияни доплер ва 3D/4D техникалар билан бирлаштириб, ҳомила юрагидаги тузилма ва функцияни аниқроқ баҳолашга имкон беради. АҚШдаги тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, 3D ва 4D эхокардиографияни ўз ичига олган мультипараметрик антенатал эхокардиография қўлланилиши ҚАТН диагностикаси аниқлигини сезиларли даражада оширади. ТЮН энг кўп тарқалган туғма патологиялардан бири бўлиб, ҳар 100 янги туғилган чақалоқнинг бирида учрайди ва болалар ўлимининг асосий сабабидир (Bakker M.K., 2019). Ҳозирги кунда STIC (4D-касфий-замоний тасвирлар корреляцияси) технологияси ёрдамида амалга оширилган 4D эхокардиография орқали юрак нуқсонларининг пренатал диагностикаси такомиллаштирилган (De Vore G.R., Satou G., Sklansky M., 2017, Escobar-Diaz M., Freud L., Bueno A., 2015).

МДХ олимларининг маълумотларига кўра, Россияда бир қатор муаллифлар ҳомиланинг туғма юрак нуқсонини аниқ аниқлашнинг асосий омили сифатида ҳомиланинг юрак тузилмаларининг визуализацияси сифатини кўрсатишади (Е.Д. Беспалова, О.Г. Суратова, Е.Л. Бокерия, М.Н. Бартагова, Р.М. Гасанова, А.И. Тюменева, 2015). Ҳомиладорлик даврида конотрункус аномалияларини аниқлаш, постнатал даврда нуқсон муносиб жарроҳлик коррекциясини баҳолаш имконини беради. Энг кўп учрайдиган перимембраноз ҚАТН (Mosimann B., Zidere V., Simpson J.M., Allan L.D., 2014). Шунинг учун ҳам аномалияларни батафсил сканировка қилиш ва ҳомиланинг эхокардиографиясини ўз ичига олган қўшимча диагностик тестлар тавсия этилган.

Мамлакатимизда ҳомиланинг ривожланиш аномалияларини пренатал диагностикаси бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган (Камалидинова Ш.М., 2020, Фазылов А., Дьяков В., 2018). Муаллифлар аёллардаги ҳомиладорликнинг биринчи триместридаги патологик ҳолатларни ўрганиш иккинчи ва учинчи триместрларда олинган маълумотларга нисбатан кўпроқ ичидаги ўлик ҳомила, ривожланмайдиган ҳомиладорлик ва пуфакли хомилани аниқлашга имкон беришини таъкидлайдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, мультипараметрик пренатал эхокардиография ҳозирги кунда ҚАТНни диагностика қилишнинг энг истиқболли усуллари

бири ҳисобланади. Аммо, таъкидлаш жоизки, маҳаллий ва хорижий илмий ишларларда ҳомила юрагидаги мултипараметрик биометрик кўрсаткичларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган, замонавий УТ технологиялари Speckle tracking, STIC эхокардиография қўлланилганда ҳомиладаги ҚАТНнинг ишончли эхокардиографик мезонлари ўрганилмаган, ва бу технологияларнинг келгусидаги ривожланиши ҳомиладорлик натижаларини ва янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғини яхшилашга замонавий тиббиётнинг амалий жиҳатдан энг муҳим ва долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги №01980006703-сонли илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳомилада юз берадиган қоринчалараро тўсиқ нуқсонларни пренатал даврда ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомила юрагидаги биометрик кўп параметрли эхокардиографик кўрсаткичларни нормал ҳолатда таҳлил қилиш;

замонавий STIC, Speckle tracking ультратовуш технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳомиланинг кўп параметрли кенгайтирилган антенатал трансабдоминал эхокардиографияга асосий кўрсатмаларни аниқлаш;

Болаларда ҚАТН ривожланишининг хавф омиллари ва клиник-лаборатория хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

В-режим, рангли доплер картирлаш, STIC ва Speckle tracking технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳомила ҚАТНнинг кўп параметрли эхокардиографик семиотикасини детализация қилиш.

Тадқиқотнинг объекти. Она ва бола саломатлиги марказида 2022-2023 йиллар давомида комплекс текширувдан ўтган 4800 ҳомиладор аёлни ташкил этди. Уларнинг 150 нафарида ҳомилаларнинг юрак патологияси аниқланган, шулардан 38 нафарида ҳомилаларнинг изоляцияланган ҚАТН формаси бўлган, туғруқдан кейин изоляцияланган ҚАТН билан туғилган 29 нафар бола кузатувда бўлган, шунингдек, изоляцияланган ҚАТН билан Миллий болалар тиббиёт марказига операцияга ётқизилган 27 нафар бола ҳам тадқиқот объекти бўлган. Назорат гуруҳини эса 30 нафар соғлом бола ташкил этган. ҚАТН бўлган болаларнинг ёши 1 ойдан 6 ойгача бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник ва анамнестик натижалар, оғирлик-бўй кўрсаткичлари, морфометрик кўрсаткичлар, УТТ маълумотлари, ЭхоКГ текширувлари, веноз қон ва қон сурункаси кўрсаткичларини аниқлаш учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида умумий клиник: антропометрик, анамнестик текширувлари, инструментал: УТТ маълумотлари, ЭхоКГ текширувлари ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кичик қоринчалараро тўсиқ нуқсонларини аниқ визуализацион хусусиятга эга STIC ва Speckle tracking усулларидан фойдаланган ҳолда ҳомиладаги юракнинг биометрик курсаткичларини аниқлашда ёрдам берадиган усул эканлиги асосланган;

STIC режимида ҳажмли ультратовуш реконструкцияси ёрдамида ҳомиладаги қоринчалараро тўсиқ майдонининг кўрсаткичлари 18-ҳафтада $0,47 \pm 0,1$ см² дан 33-ҳафтада $2,42 \pm 1,13$ см² гача қоринчалар аро нуқсонларда юқори аҳамият борлиги асосланган;

интеграл шкала бўйича ҳомилада қоринчалараро тўсиқ нуқсони ривожланиш юқори хавф даражаси - 13,9-5,8 балл, ўрта хавф даражаси - 5,7-3,9 балл, ва паст хавф даражаси $\leq 3,8$ балл эканлиги исботланган;

6 ойгача бўлган болаларда чекловсиз турдаги қоринчалараро тўсиқ нуқсони ва ПА даражадаги юрак етишмовчилиги ҳолларда, нуқсоннинг ҳажми 4 ммдан катта, чап қоринчанинг охирги систолик ва диастолик ўлчамларининг ўзгариши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ҳомиланинг мунтазам анъанавий ультратовуш текширувларини ўтказишда, ҳомиладорлик пайтида тўрт камерали ва уч қон томирли кўндаланг кесимларда ноаниқ натижаларини аниқланиши, стандарт УТ текшируви натижаларининг ноаниқлиги ва онада хавф омилларининг мавжудлиги ҳолатида замонавий STIC ва Speckle tracking технологиялари ёрдамида кўп параметрли кенгайтирилган антенатал трансабдоминал эхокардиография ўтказиш кўрсатмаси борлиги асосланган;

кўп параметрли кенгайтирилган антенатал трансабдоминал эхокардиографияни ҳомиладорликнинг 18-22 ҳафталаарида ўтказишда, ҳомиланинг юраги учун ўрганилган комплекс биометрик меъерий кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилган;

STIC™ технологияси ёрдамида “ҳажмли” тасвир олиш учун қуйидаги шартларга риоя қилиш керак: ҳомиланинг умуртқаси тасвирда 5-7 соат ҳолатида бўлиши, маълумот тўплаш вақти 7,5 сония, маълумот тўплаш бурчи 30°, бошланғич кесим сифатида юракнинг тўрт камерали кесими олиниши лозим. Олинган маълумотлар offline режимда таҳлил қилиш имконини берган;

6 ойгача бўлган болаларда 80,4% ҳолларда нуқсон ўлчами 4 ммдан катта бўлган чекловчи бўлмаган турдаги ҚАТН кўпроқ кузатилган, бу юрак етишмовчилиги II А даражаси белгилари, жисмоний ривожланишда орқада қолиш, анемия ва оксил-энергетик озуқавий етишмовчилик каби ҳолатлар билан кечади. Бу эса операция олди тайёргарликни диққат билан олиб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланганлиги, етарли миқдордаги текширувдан ўтган аёлларнинг танлангани, қўлланилаётган усулларнинг замонавийлиги, ТЮНни эрта аниқлашда ультратовуш диагностикаси имкониятларини баҳолаш ўзига хослиги асосида қўшимча инструментал, биометрик, фетометрик, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари халқаро ва маҳаллий тажриба билан

таққослангани, хулосалар ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти STIC ва Speckle tracking усулларидан фойдаланган ҳолда ҳомилани мультипараметрик кенгайтирилган антенатал эхокардиографияни ишлаб чиқиш фетал диагностика соҳасида инновацион ёндашувни намоён этади, бу нафақат ҚАТН диагностикаси аниқлигини оширишга, балки туғма юрак нуқсонларининг ичидаги ривожланиш динамикасини тушунишни ривожлантиришга тавсифланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҚАТН ҳолатида хавф омилларини ва илмий асосланган эхографик параллелларни аниқлаш ҳомиладорлик натижаларини аниқроқ прогноз қилишга ва бундай ҳолатларни бошқаришда мультидисциплинар ва ташхислаш алгоритмларини мақбуллаштиришга имкон берди. Ишлаб чиқилган алгоритмларга асосланиб, ушбу беморлар учун мақбул даволаш тактикасини танлаш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиладор аёлларда STIC ва Speckle tracking усулларини қўллаш билан кенгайтирилган кўп параметрли антенатал трансабдоминал фетал эхокардиография асосли эканлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор кичик қоринчалараро тўсиқ нуқсонларини аниқ визуализацион хусусиятга эга STIC ва Speckle tracking усулларидан фойдаланган ҳолда ҳомиладаги юракнинг биометрик курсаткичларини аниқлашда ёрдам берадиган усул эканлиги асосланган ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 7 февралда №03/175-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг юрагида қоринчалар орасидаги тўсиқ нуқсонини аниқлашда мультипараметрик пренатал эхокардиография технологиялари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар перинатал маркази амалиётига 10.02.2024 йилдаги №73-сонли ҳамда Чилонзор тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг (Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси) 20.06.2024 йилдаги №120-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/08-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* текширув асосида STIC ва Speckle tracking усулларидан фойдаланган ҳолда кўп параметрли кенгайтирилган эхокардиографияни жорий этиш ҳомиладорликнинг дастлабки муддатларида юракнинг мураккаб нуқсонларини аниқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб ҳомиладор аёллар учун сифатли диагностика имкониятларини оширади, тиббий чора-тадбирларни эрта аниқлаш имкониятларини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* бир пациентка учун 1585150 сўм иқтисод қилинади, бу эрта диагностика юқори қиймат самарадорлигини тасдиқлайди. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий самарадорлик коэффициенти 1,67 ни ташкил қилади, бу эрта диагностикага сармоя

киритишнинг фойдалилигини кўрсатади. *Хулоса:* ҳомиладор аёлларни скрининг дастурларига кўп параметрли кенгайтирилган антенатал трансабдоминал эхокардиографияни киритиш нафақат диагностика ва даволаш сифати ошишини таъминлайди, балки бюджет маблағларини бир ҳомиладор аёл учун 1 585 150 сўмгача тежаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: STIC режимида ҳажмли ультратовуш реконструкцияси ёрдамида ҳомиладаги қоринчалараро тўсиқ майдонининг кўрсаткичлари 18-ҳафтада $0,47 \pm 0,1$ см² дан 33-ҳафтада $2,42 \pm 1,13$ см² гача қоринчалар аро нуқсонларда юқори аҳамият борлиги асосланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 7 февралда №03/175-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг юрагида қоринчалар орасидаги тўсиқ нуқсонини аниқлашда мультипараметрик пренатал эхокардиография технологиялари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар перинатал маркази амалиётига 10.02.2024 йилдаги №73-сонли ҳамда Чилонзор тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг (Тошкент шаҳар ҳокимияти соғ'лиқни сақлаш бош бошқармаси) 20.06.2024 йилдаги №120-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/08-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* хавф омиллари ва ҚАТН эхографик белгилари тўғрисидаги илмий маълумотлар тиббиёт ходимларига ҳомиладор аёлларга уларнинг бўлажак боласининг саломатлик ҳолати ҳақида яхшироқ маълумот бериш, шунингдек, зарурий аралашувлар ва мониторингни самарадорлигини исботлашга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ҳомиладор аёлларда ТЮН хатар омилларини аниқлаш орқали уларнинг келажакдаги фарзандининг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотли маслаҳатлар бериб, зарурий аралашувларни режалаштириш орқали иқтисодий харажатларни 2,8 баробарга қисқартиришга олиб келади. Болага ТЮН бўйича операция қилинган учун сарфланадиган харажатлар 28 миллион сўмни ташкил этса, 1 бола учун тежалган маблағ миқдори 28000000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* ҳомиладор аёлларда хавф омилларини аниқлаш туғма юрак нуқсонларини, жумладан ҚАТНни эртароқ аниқлашга ёрдам беради, бу ўз вақтида аралашувни ва ҳомила ривожланиш прогнозини яхшилаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: интеграл шкала бўйича ҳомилада қоринчалараро тўсиқ нуқсони ривожланиш юқори хавф даражаси - 13,9-5,8 балл, ўрта хавф даражаси - 5,7-3,9 балл, ва паст хавф даражаси $\leq 3,8$ балл эканлиги исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 7 февралда №03/175-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг юрагида қоринчалар орасидаги тўсиқ нуқсонини аниқлашда мультипараметрик пренатал эхокардиография технологиялари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар перинатал маркази амалиётига 10.02.2024 йилдаги №73-сонли ҳамда Чилонзор тумани ҳудудий тиббиёт

бирлашмасининг (Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси) 20.06.2024 йилдаги №120-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/08-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ҳажмли ультратовуш реконструкцияси (3D/4D STIC режими) ёрдамида қоринчаларро тўсиқ майдонини аниқ ўлчаш, тўсиқ нуқсонларини эрта ва аниқ аниқлаш имконини беради, бу эса тузатиш чораларини ўз вақтида бошлашга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ҳар бир болага 4 180 000 сўм тежамкорлик, бу мақсадли коррекциянинг юқори қиймат самарадорлигини кўрсатади. *Хулоса:* туғма юрак нуқсонларининг эрта ва аниқ диагностикаси янги туғилган чақалоқларда асоратлар хавфини камайтиради ва бу болалар ўлими даражасини пасайтириш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: 6 ойгача бўлган болаларда чекловсиз турдаги қоринчаларро тўсиқ нуқсон ва ПА даражадаги юрак етишмовчилиги ҳолларда, нуқсоннинг ҳажми 4 ммдан катта, чап қоринчанинг охири систолик ва диастолик ўлчамларининг ўзгариши асосланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 7 февралда №03/175-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг юрагида қоринчалар орасидаги тўсиқ нуқсонини аниқлашда мультипараметрик пренатал эхокардиография технологиялари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар перинатал маркази амалиётга 10.02.2024 йилдаги №73-сонли ҳамда Чилонзор тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг (Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси) 20.06.2024 йилдаги №120-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/08-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* эрта диагностика ва соғлиқни сақлаш ҳолатини тўғри бошқариш туфайли, ҚАТН бўлган болалар ҳаётнинг биринчи кунларидан бошлаб зарурий даволанишни олишлари мумкин, бу келажақда жиддий асоратларсиз ижобий ривожланиш эҳтимолини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ҳаётнинг илк кунларида болаларда ҚАТН эрта диагностика қилиш ва даволаш мураккаб операциялик даволаш харажатларини камайтириш ҳамда асоратларнинг олдини олиш ҳисобига ҳар бир бола учун 4 000000 сўм миқдорида иқтисодий самарадорликни таъминлайди. *Хулоса:* белгиланган параметрларга асосланган ҳолда ҚАТНни самарали бошқариш ва даволаш янги туғилган болаларда жиддий асоратлар ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтиради, бу эса узок муддатли соғлиқни сақлаш харажатларини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари юзасидан 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш нашр қилинган, шу жумладан 5 та журнал мақоласи

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, шундан 3 та хорижий ва 2 та республика илмий журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилади, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш очиб берилади, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар кўрсатилган.

“Қоринчаларро тўсиқ нуқсонини диагностика қилишнинг ультратовуш усуллари (адабиётлар шарҳи)” биринчи бобида диссертациянинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва адабиётлар шарҳида ушбу муаммонинг долзарблиги акс эттирилган. Ўрганилаётган мавзуга бағишланган мавжуд илмий маълумотлар таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, шунингдек, болаларда туғма юрак нуқсонларини диагностика қилиш муаммосининг замонавий ҳолати ҳақида алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган.

Иш Республика она ва бола саломатлиги марказида амалга оширилди. Кўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун 2022 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда 4800 ҳомиладор аёл 11 ҳафтадан 38 ҳафтагача бўлган гестация муддатларида текширувдан ўтказилди. Ҳомилаларда ультратовуш анатомияси, стандарт юрак кесимлари ва магистраль томирлар маълумотлари батафсил ўрганилди. 150 аёлда ҳомилаларда туғма юрак нуқсонлари аниқланди, шулардан 38 ҳомилада изоляцияланган ҚАТН бўлиб, бу 25,3% (ҳар 1000 ҳомиладорга 2,5 ҳолат)ни ташкил қилди. Ҳомиладор аёлларнинг ёши 18 дан 45 ёшгача бўлиб, ўртача ёш 31,5 ёшни ташкил қилди (жадвал 1).

1-жадвал

Ҳомиладор аёлларнинг ёш бўйича тақсимланиши (n=150)

	Таққослаш гуруҳи, n=50		ТЮН, n=150			ҚАТН, n=38		
	абс	%	абс	%	P	абс	%	P
<20 ёш	3	6,0%	12	8,0%		4	10,5%	
21-30 ёш	17	34,0%	76	50,7%	P<0.05	18	47,4%	P<0.001
>31 ёш	30	60,0%	62	41,3%	P<0.01	16	42,1%	P<0.001

20 ёшдан кичик бўлган аёллар 6% ни ташкил қилди, 21-30 ёшдаги аёллар - 50,7%, 30 ёшдан катта аёллар - 42,1%. 20 ёшдан кичик аёлларда ҚАТНнинг паст даражада учраши беморлар танловининг камлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, 21-30 ёш ва 30 ёшдан катта ёш гуруҳларида ҚАТНнинг аниқланиш частотаси ишончли даражада юқори ва бу ёш гуруҳларида тахминан бир хил даражада бўлган. Аммо, аёлнинг ёши билан ТЮНнинг частотаси ортиши аниқ. Бизнинг тадқиқот натижаларимиз қатор тадқиқотчилар билан мувофиқ келади, уларнинг фикрича ёш ҳомилаларда юрак аномалияларининг ривожланишига таъсир қилади (Глянцев С.П., Яжборовская А.С., Ганджалиев А.А., 2015, Wang Y., Fan M., Siddiqui F. ва бошқ., 2017). Ҳомилаларнинг жинсини аниқлашда катта фарқ топилмади, ўғил болалар 58,3% ни, қиз болалар эса 41,7% ни ташкил қилди. 150 та ҳолатда ҳомилаларда турли юрак нуқсонлари аниқланди, шулардан 38 таси ҚАТН. Туғруқдан кейинги даврда 31 янги туғилган чақалокда ЭхоКГ ўтказилди.

Бизнинг тадқиқотимизда, ҳомиладор аёлларнинг катта қисми қайта туғадиганлар бўлган ва ёшлари 21-40 йилни ташкил қилиб, уларнинг ҳомилаларида ТЮН аниқланган.

Ҳомила эхокардиографиясини ўтказиш учун хавф даражаси бўйича кўрсатмалар шартли равишда она ва ҳомила томонидан кўрсатмаларга бўлинади.

Она томонидан кўрсатмалар: 20 ёшдан кичик ва 30 ёшдан катта ёш; қариндошларда ёки ТЮН билан туғилган болаларнинг анамнези; ҳомиладорликда диабет; онадаги инфекцион касалликлар; ҳомиладорлик давомида тератоген омилларнинг таъсири; оғир соматик касалликлар мавжудлиги.

Ҳомила томонидан кўрсатмалар: кўп сувлик; иммунологик бўлмаган ҳомила водянкаси; ҳомиланинг экстракардиал нуқсонлари; кардиомегалия; юрак ритмини бузилиши; ҳомиланинг тўрт камерали юрак кесимининг аномалияси; ҳомилада генетик абберацияларнинг маркерлари; ички ривожланишнинг орқада қолиши.

Назорат гуруҳига 50 соғлом ҳомиладорларнинг карталари ва туғма юрак нуқсонисиз 30 соғлом болалар киритилган.

Ҳомилаларда ҚАТНни аниқлаш мақсадида ҳомиладорликнинг 11-38 ҳафталарида УЗИ ўтказилди.

Ҳомилаларда юрак нуқсонларини аниқлашнинг асосий усули ультратовуш текшируви (фетал эхокардиография) бўлди. Бу ҳомила юрагини текширишнинг ноинвазив усули бўлиб, юрак нуқсонларининг тузилишини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотда Aplio 500 (Япония), GE Logiq P7 (АҚШ) ва GE Voluson E8 (АҚШ), Samsung Medison V8 эксперт тоифасидаги ускуналар ва махсус FetalHeart дастури қўлланилди. Текширув 3,5 МГц овозли конвекс (3D) датчик ва 9L юқори частотали линия датчикларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда Microsoft Office Excel-2019 ва IBM SPSS Statistics 26 дастурлари орқали вариацион статистика усуллари қўлланилиб, ўртача квадрат девиация ва ўртача арифметик хатони ($M \pm m$) ҳисоблаш амалга оширилди.


Шапиро-Уилк мезони ёрдамида миқдорий кўрсаткичларни нормал тақсимланишга мувофиқликни баҳолаш ўтказилди.

$$P = \frac{(A + B)! \cdot (C + D)! \cdot (A + C)! \cdot (B + D)!}{A! \cdot B! \cdot C! \cdot D! \cdot N!}$$

Диссертациянинг “**Антенатал скрининг маълумотларига кўра туғма юрак нуқсонларининг тарқалиши ва тузилиши**” учинчи бобида муаллифнинг ўз тадқиқотлари натижаларини батафсил кўриб чиқади, бу тадқиқотлар антенатал туғма юрак нуқсонларини, жумладан ҚАТНни диагностика қилишга йўналтирилган. Тадқиқот 2022-2023 йилларда Республика она ва бола саломатлиги марказида ўтказилган ва 4800 ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилган. Таҳлил ТЮНнинг тарқалиши ва тузилишини баҳолашни ҳамда ҳомила юраги биометрик параметрларини батафсил ўрганишни ўз ичига олади.

Ўз маълумотларига кўра ТЮН частотаси ва тузилиши ҳақида маълумот берилган. ТЮН тарқалиши ва тузилиши тавсифланган, 150 та ТЮН ҳолати аниқланган, шулардан 38 та ҳомилада ҚАТН бор. ҚАТН турлари ва уларни диагностика қилиш, шу жумладан нуқсонларнинг спонтан ёпилиши ва ҳомиладорликнинг турли босқичларида визуализация хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Анатомик тузилишга қараб, дефект энг кўп ҳолларда перимембраноз қисмда жойлашган эди (1-расм).



1-расм. ҚАТН жойлашув вариантлари

Перимембраноз ҚАТН 14 та (36,8%) ҳолатда учраган, изоляцияланган мушак ҚАТН 8 та (21,1%) ҳолатда учраган. 5 та ҳомилада ичида ўз-ўзидан ёпилиши кузатилган.

Субаортал ҚАТН - 10 та ҳолат (26,3%). Қабул қилувчи ҚАТН - 5 та ҳолат (13,2%).

Апикал ҚАТН бир янги туғилган чақалоқда (2,6%) аниқланган.

ТЮН ривожланишининг хавф омилларини таҳлил қилишда асосий сабаблар гуруҳлари ажратилган, жумладан акушерлик анамнези ва оилавий тарих, онанинг сурункали касалликлари ва I триместрда инфекцияларнинг

таъсири.

Жадвал 2

Ҳомилада ТҮОН пайдо бўлишининг хавф омиллари

Белги	Назорат гуруҳи, n=50		Асосий гуруҳ, n=150		НХ	ИН	Фарқларнинг ишончлилиги, P*
Акушерлик-гинекологик анамнез							
Ёш, йиллар	25,3±5,0		28,2±4,5				>0,05
Ҳомиладорлик 1-2	16	32,0%	78	52,0%	1,6	2,3	<0,01
Ҳомиладорлик 3-4	4	8,0%	72	48,0%			<0,001
Муддатидан олдин туғилишлар	1	2,0%	8	5,3%	2,65	2,8	>0,05
Ўлик туғилишлар	0	0,0%	6	4,0%			>0,05
Ривожланмайдиган ҳомиладорлик	1	2,0%	10	6,7%	3,33	3,5	>0,05
Оилавий анамнез							
Онада ТҮОН	1	2,0%	13	8,7%	4,33	4,65	>0,05
Отада ТҮОН	1	2,0%	6	4,0%	2,0	2,0	>0,05
Аввалги болаларда ТҮОН	1	2,0%	5	3,3%	1,67	1,7	>0,05
Она касалликлари							
Жигарнинг сурункали патологияси	3	6,0%	18	12,0%	2,0	2,14	>0,05
Бўйракнинг сурункали патологияси	5	10,0%	34	22,7%	2,27	2,64	<0,05
Тизимли касалликлар	1	2,0%	23	15,3%	7,67	8,9	<0,01
Эндокринопатиялар	2	4,0%	29	19,3%	4,83	5,75	<0,01
Қандли диабет	1	2,0%	8	5,3%	2,68	2,8	>0,05
Ҳозирги ҳомиладорликнинг хусусиятлари							
I триместрда ўткир вирусли инфекциялар	4	8,0%	52	34,7%	4,37	6,1	<0,001
Қизамиқ	1	2,0%	6	4,0%	2,0	2,0	>0,05
Сурункали инфекция	2	4,0%	13	8,7%	2,28	2,28	>0,05
Кўп сувлик	2	4,0%	16	10,7%	2,86	2,86	>0,05
Кам сувлик	1	2,0%	11	7,3%	3,9	3,9	>0,05
Ичидаги инфекция	5	10,0%	45	30,0%	3,85	3,85	<0,01

Изоҳ: - қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиги $p < 0,05$.

Оилавий анамнезда ҳомиладорнинг ўзи ва унинг аъзоларида ТҮОН мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда, статистик ишончлик билан фарқланган.

Хавф омилларини баҳолаш ҳомилада ҚАТН ривожланишининг энг аҳамиятли сабабларини аниқлади: нисбий хавф (НХ)нинг камайиш тартиби бўйича – тизимли касалликлар (НХ=7,67), эндокринопатиялар (НХ=4,83), биринчи триместрдаги ўткир вирусли инфекциялар (НХ=4,37), онада ТҮОН (НХ=4,33), ҳозирги ҳомиладорликда кам сувлилик (НХ=3,67), анамнездаги ривожланмайдиган ҳомиладорлик (НХ=3,33), ва ичидаги инфекция (НХ=3,0).

Бир нечта хавф омиллари бирлашганда ҳомилада ҚАТН ривожланиш хавфининг уч даражаси аниқланди: имкониятлар нисбати (ИН) кўрсаткичлари бўйича: юқори хавф даражаси – ИН=13,9 - 5,8 (тизимли касалликлар, эндокринопатиялар, биринчи триместрдаги ўткир вирусли инфекциялар), ўртача хавф даражаси – ИН=5,7-3,9 (онада ТҮОН, ичидаги инфекция, кам сувлилик), ва

паст хавф даражаси – $ИН \leq 3,8$ (кўп сувлилик, сурункали инфекция, қандли диабет).

Шундай қилиб, хавф омилларини баҳолаш ҳомилада ҚАТН ривожланишида энг аҳамиятли омилларни аниқлади. Энг муҳим деб топилган 5 та сабаблар гуруҳи: акушерлик-гинекологик анамнезнинг хусусиятлари, I триместрда ўтказилган ўткир инфекцион касалликлар, сурункали касалликлар, ҳозирги ҳомиладорликнинг кечиши.

Биз томонимиздан соғлом ҳомиладор аёлларда ҳомила юраги биометрик параметрлари, анамнез ва ультратовуш маълумотлари асосида келтирилган. Асосий гуруҳ билан таққослаш учун норматив кўрсаткичлар аниқланди.

Жадвал 3

Изоляцияланган ҚАТНда текширилган ҳомидаларда юракнинг эхографик текширув биометрик кўрсаткичлари ($M \pm m$)

	Назорат		ҚАТН		Манн-Уитни	P
	N	$M \pm m$	n	$M \pm m$		
ЧҚ	50	$5,8 \pm 0,35$	38	$6,81 \pm 0,48$	0,06851	
ЎҚ	50	$6,27 \pm 0,04$	38	$7,3 \pm 0,08$	0,00000	P<0,001
ЧБ	50	$5,9 \pm 0,35$	38	$6,4 \pm 0,46$	0,19625	
ЎБ	50	$6,31 \pm 0,04$	38	$6,69 \pm 0,07$	0,00000	P<0,001
ЎАД	50	$3,2 \pm 0,02$	38	$3,6 \pm 0,03$	0,00000	P<0,001
АД	50	$2,9 \pm 0,02$	38	$3,41 \pm 0,03$	0,00000	P<0,001
ЧҚ/ЎҚ	50	$1,01 \pm 0,01$	38	$1,02 \pm 0,01$	0,20762	
ЎҚ/ЧҚ	50	$2,45 \pm 0,15$	38	$2,39 \pm 0,18$	0,00000	P<0,001
ЧБ/ЎБ	50	$1,01 \pm 0,01$	38	$1,03 \pm 0,02$	0,00000	P<0,001
ЎБ/ЧБ	50	$0,99 \pm 0,01$	38	$0,98 \pm 0,01$	0,18628	
Global Strain (GS)	50	-20% дан -25% гача	38	-15% дан -20% гача	0,32471	
Ejection Fraction (EF)	50	20% дан 30% гача	38	15% дан 20% гача	0,02418	
Strain Rate (SR)	50	0,5 дан 1,0 с-1 гача	38	0,4 дан 0,6 с-1 гача	0,18796	
ТМЖП (STIC)	50	2-4 мм	38	Қоринчалараро тўсик бутунлигининг бузулиши 1 мм дан		

Изоҳ: Назорат ва ҚАТН ўртасида $P < 0,05$

Назорат гуруҳи ва ҚАТН гуруҳи ўртасидаги кўплаб параметрлар бўйича аҳамиятли фарқлар аниқланди, бу ҚАТНнинг ҳомила юраги тузилиши ва функциясига таъсирини тасдиқлайди. Ҳомила юраги биометрик параметрларини ўрганиш пренатал диагностика ва ҳомила ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу, айниқса, изоляцияланган ҚАТН каби туғма юрак нуқсонларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Соғлом ҳомидалар ва ҚАТНга эга ҳомидалар биометрик параметрларини таққосий таҳлили ушбу нуқсоннинг юрак-қон томир тизими ривожланишига таъсирини яхшироқ тушунишга ва ҳомиладорлик ва туғилишни бошқариш бўйича оптимал тактикаларни

режалаштиришга ёрдам беради.

Пренатал диагностика натижаларида тадқиқ қилинган ТҮОН нозология шакли турли хил эхографик маркерлар ва уларнинг бирикмаларини аниқлади, 18 (47,4%) ҳомилада ҚАТН билан қайд этилган.

Жадвал 4

II триместрда ҚАТН билан ҳомидаларда аниқланган қўшимча эхографик белгилари

Белгилари	ҚАТН, n=18
Ён қоринчаларнинг қон томир тўқимаси кисталари	9 (50%)
Ички ривожланишнинг орқада қолиши.	4 (22.2%)
Кам сувлик	3 (16.7%)
Кўп сувлик	2 (11.1%)

Ушбу боб бўйича тадқиқот натижаларини умумлаштирар эканмиз, трансабдоминал эхокардиографияни юқори аниқликдаги ультратовуш ускуналари ва замонавий технологиялар (махсус тадқиқот режимлари ва STIC)дан фойдаланган ҳолда ўтказиш ҳомилада ҚАТН диагностикаси аниқлигини 98,2% га оширди.

STIC технологиясидан фойдаланиб ҳомила юрагини визуализация қилиш кўп қиррали таҳлил ва 3D-реконструкция имкониятлари туфайли ТҮОН диагностикаси аниқлигини яхшилади.


Биз 150 ҳомиладор аёлда ҳомила юраги ҳолатини баҳолаш учун 3D/4D ҳажмли ультратовуш реконструкцияси ва STIC технологиясини қўллаган замонавий технологик клиник тадқиқот усулини қўлладик.

STIC-рендеринг режими ёрдамида қоринчалараро тўсиқ майдони учун назорат қияс қисмини аниқладик. ROI (фаол линия) қоринчалараро тўсиқ ташқи четига жойлаштирилган ва қўлда чегараланган. 18 ҳафтадан 33 ҳафтагача бўлган муддатда 150 ҳомиладорни баҳоладик. Қоринчалараро тўсиқ майдони ва ҳомиладорлик муддати ўртасида корреляция ($r=0,81$) аниқланди, 18-ҳафтада ўртача майдон $0,47 \pm 0,1$ см² дан 33-ҳафтада $2,42 \pm 1,13$ см² гача ошгани кузатилди.

Шундай қилиб, STIC бу ҳолатларда диагностика аниқлигини оширди.

STIC дастурий таъминотдан фойдаланиб 3D/4D-ультрасонография ёрдамида ҳомила юраги ҳақидаги маълумотларни олиш тўлиқ юрак цикли ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган 4D cine шаклидаги юрак тузилмаларини аниқлаш имконини беради, шу тариқа фазовий ва вақт маълумотларини бирлаштиради. Баҳолаш мултипланар режимда ҳам, визуализация режимида ҳам, ҳамроҳлик қилувчи рангли доплерография, томографик ультратовуш визуализацияси, инверсион режим ёки В-поток визуализацияси билан ёки уларсиз ўтказилиши мумкин. Шу тариқа, бемор йўқлигида ҳам юрак ҳолатини баҳолаш мумкин, чунки юрак ҳажмини таҳлил қилиш автоном режимда ва турли мутахассислар томонидан ўтказилиши мумкин. Бу ТҮОН диагностикасида икки ўлчамли эхокардиография аниқлигини оширади. STIC визуализация режимида қоринчалараро тўсиқни тўғридан-тўғри ўлчаш имконини беради. Бундан ташқари, умумий систолик ҳажм, чиқариш фракцияси ва юрак чиқариш ҳажмини ҳисоблаш учун виртуал органларни компьютер таҳлили дастури билан биргаликда юрак функциясини баҳолаш имконини беради. Шунга қўра, юқорида


айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, 3D/4D STIC тадқиқ қилинаётган ҳомила юраги ҳақидаги ҳажмли маълумотларни сифатли ва тўлиқ олишда жуда истиқболли восита ҳисобланади.



2-расм. Ҳомила юрагининг мультипланар режимда ва 3D-реконструкцияда қон ҳажмини аниқлаш клапанлари даражасида визуализация қилиниши.

Ушбу эхотомограммада (2-расм) ҳомила юраги кўплаб кесимларда кўрсатилган бўлиб, улар қоринчаларо тўсиқ нуқсон мавжудлигини визуаллаштиришга имкон беради. Тасвирларда қоринчаларо тўсиқ соҳасида бутунликнинг бузилган жойлари кўриниб турибди, бу кичик нуқсон мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу эхотомограммада (3-расм), STIC технологиясидан фойдаланган ҳолда ҳомила юрагидаги кичик ҚАТНлари визуализацияси тақдим этилган. STIC технологияси ҳомила юраги ва қон оқимларининг ҳажмли тасвирларини реал вақтда олишга имкон беради (сиртли ва қизил ранглар билан белгиланган қон оқимлари), бу эса қон айланиш аномалиялари ва тузилиш нуқсонларини аниқлашга ёрдам беради.



3-расм. STIC технологиясида ҳомила юрагининг қоринчаларо тўсиқ кичик нуқсонларининг визуализация қилиниши

STIC технологиясини қўллашнинг афзалликлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Юқори аниқлик: Технология кичик ҚАТНини аниқроқ баҳолашга имкон беради, уларни стандарт усуллар ёрдамида аниқлаш қийин бўлиши мумкин.

2. Ҳажмли реконструкция: Ҳомиланинг юраги ва қон томирларининг ҳажмли тасвирларини яратиш имконияти, бу эса мураккаб тузилмалар ва уларнинг ўзаро боғлиқликларини яхшироқ визуаллаштиради.

3. Оширилган сезувчанлик: Технология ҳатто энг кичик нуқсонларни аниқлашни яхшилайти, бу айниқса туғма юрак нуқсонларини аниқлашда фойдали.

4. Пренатал диагностикада самарадорлик: STIC технологияси аниқ ва тезкор тадқиқотлар ўтказишга имкон беради, кичик анатомик аномалияларни ўтказиб юбориш эҳтимолини камайтиради.

Бу усул ҚАТН диагностикасини ишончлироқ қилади, айниқса, стандарт эхокардиография етарли даражада деталланган тасвирни бера олмаган ҳолларда.


Тўрт камерали юрак кесимларини ва учта томир кесимларини текшириш, шунингдек, рангли доплер картирлаш изоляцияланган ҚАТНни ҳомиладорликнинг 18-22 ҳафталарида аниқлашга имкон берди.

Ривожланган мамлакатларда, масалан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия ва Япония каби мамлакатларда ТҮОН диагностикаси усулларида катта ютуқларга эришилди. Бу ютуқлар кўп параметрли пренатал эхокардиографияни жорий этиш билан боғлиқ. Бу усул анъанавий 2D эхокардиографияни доплер ва 3D/4D техникалари билан бирлаштиради, бу эса ҳомила юраги тўғрисида аниқроқ тасвирларни олиш ва унинг тузилиши ва функциясини баҳолаш имконини беради.

Speckle tracking ҳомила юраги миокарди ҳаракатларини реал вақт режимида баҳолаш имконини берувчи замонавий усуллардан бири ҳисобланади. Бу технология юрак тасвирларидаги алоҳида нуқталар (спеклар) ҳаракатини кузатиш учун махсус алгоритмлардан фойдаланади, бу эса миокард функцияси ва деформацияси тўғрисида аниқ маълумотларни олиш имконини беради.

3D ва Speckle Tracking технологияларини ишлатишдан олдин ҳомила юраги тузилиши ва функциясини дастлабки баҳолаш учун В-режим ва доплер карталашдан фойдаланиб стандарт текширув ўтказиш лозим.

Speckle Tracking технологиясини ҳомила юраги 3D визуализацияси билан бирлаштириб қўллаш туғма юрак нуқсонларини пренатал диагностикаси учун янги имкониятлар очади. Бу нафақат анатомик нуқсонларни аниқроқ аниқлаш, балки миокарднинг деталланган функционал таҳлилини ўтказишга ҳам имкон беради, бу эса ҳомила ва янги туғилган чақалоқ учун прогноз ва натижаларни сезиларли даражада яхшилайти.



4-расм. Замонавий STIC ва Speckle Tracking ультратовуш технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтирилган кўп параметрли антенатал трансабдоминал эхокардиография усулларининг ҳомиладаги ҚАТНни аниқлашдаги диагностик аниқлиги.

Ҳомилада ҚАТНни аниқлашда одатий стандарт эхокардиография усуллари ва замонавий STIC ва Speckle Tracking технологиялари қўлланилган кенгайтирилган кўп параметрли эхокардиография усулларининг диагностика аниқлиги кўрсаткичларининг қиёсий баҳоланишида аниқландики, В-режимда диагностика аниқлиги 72,4% ни ташкил этди. Допплер режими (В+Д) қўлланилганда аниқлик 83,6% га кўтарилди. Қўшимча равишда STIC ва Speckle Tracking технологиялари (В+Д+STIC+Speckle Tracking) қўлланилиши аниқликни 98,2% гача оширди (4-расм).

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Операциягача бўлган ёш болаларда қоринчалараро тўсиқ нуқсонларининг клиник параметрлари ва ультратовуш кўрсаткичларининг спецификаси”** тасвирланган. Тадқиқот икки гуруҳни ўз ичига олган: 56 та ҚАТНли болалардан иборат асосий гуруҳ ва ёш ва жинс бўйича ўхшаш 30 та соғлом болалардан иборат назорат гуруҳи.

Операциядан олдинги тактикани аниқлаш мақсадида барча болалар клиник ва инструментал текширувлардан ўтказилди.

Жадвал 5

Тадқиқ қилинган гуруҳлар болаларининг туғилган вақтидаги асосий параметрлари

Параметрлар		Таққослаш гуруҳи, n=30	Асосий гуруҳ, n=56	p
Ёши, ой, M±m,		4,03±0,11	4,23±0,06	> 0,05
Жинси	Ўғил болалар, %	46,7	58,9	> 0,05
	Қиз болалар,%	53,3	41,1	
Туғилгандаги вазни, M ±m,г		3393,3±47,5	3023,2±29,7	<0,01

Стандарт усуллар бўйича болаларнинг жисмоний ҳолатини таҳлил қилиш омиллари: тана массаси/ёш, бўй/ёш, тана массаси/узунлик, тана массаси индекси (ТМИ). Бунинг учун 5 ёшгача бўлган болалар учун WHO дастурлари қўлланилди (ВОЗ, 2006; Huang Y., Hsu K., Chuluunbaatar E. ва бошқ., 2018, Li X., Song G., Wu L. ва бошқ., 2016). Стандарт чекинишларнинг (Z-score) аналитик маълумотлари жадвал 6 да кўрсатилган.

Жадвал 6

Ёш болаларнинг жисмоний ривожланиши бўйича аналитик маълумотлар

Қиймат Z-score (SD)	Тана вазн ёшга нисбатан	Узунлик/бўй ёшга нисбатан	Тана массаси узунлик/бўйга нисбатан	ТМИ
3 дан юқори	Семизлик	Жуда баланд бўй (гигантизм)	2-даражали ортиқча тана массаси (семизлик)	Семизлик
+2 дан +3 гача	Ортиқча тана вазни	Баланд бўй	1-даражали ортиқча тана массаси (ортиқча таъминот)	Ортиқча таъминот
+1 дан +2 гача	Норма	Норма	Нормал жисмоний ривожланиш (ортиқча тана массаси хавфи / ортиқча таъминот хавфи)	Ортиқча таъминот хавфи
0 (медиана +/-1)			Нормал жисмоний ривожланиш	Норма
-1 дан -2 гача	Норма	Норма	1-даражали тана массаси дефицити (ёнгинча таъминот етишмаслиги)	Ёритилган даражада таъминот етишмаслиги
-2 дан -3 гача	Тана вазни дефицити	Қисқа бўй (паст бўй)	2-даражали тана массаси дефицити (ўртача таъминот етишмаслиги)	Ўртача даражада таъминот етишмаслиги
-3 дан паст		Жуда паст бўй (нанизм)	3-даражали тана массаси дефицити (оғир таъминот етишмаслиги)	Оғир даражада таъминот етишмаслиги

Юрак етишмовчилиги даражаси Н.А. Белоконь классификациясига мувофиқ баҳоланди (жадвал 7).

Жадвал 7

Н.А. Белоконь бўйича юрак етишмовчилиги даражаси

Даража	Етишмовчилик	
	Чап қоринча	Ўнг қоринча
	Юрак етишмовчилиги белгилари тинч ҳолатда мавжуд эмас ва юкламадан сўнг тахикардия ёки нафас қисилиши кўринишида пайдо бўлади.	
IA	ЮҚЧ* ва бир минутдаги нафас олиш ҳаракатлари сони нормадан мос равишда 15–30% ва 30–50% ошган	Жигар қовурға соҳаси остида 2–3 см чиқиб турибди
IB	ЮҚЧ* ва бир минутдаги нафас олиш ҳаракатлари сони нормадан мос равишда 30–50% ва 50–70% ошган; акроцианоз, ёпишқоқ йўтал, ўпкада нам майда пуфакчали хириллашлар мумкин	Жигар қовурға соҳаси остида 3–5 см чиқиб турибди, бўйин веналари томирларининг шишиши
II	ЮҚЧ* ва бир минутдаги нафас олиш ҳаракатлари сони нормадан мос равишда 50–60% ва 70–100% ва ундан ортиқ ошган: протекта ва ўпка шиши клиник манзараси	Гепатомегалия, шиш синдроми (юзда, оёқларда шишлар, гидроторакс, гидроперикард, асцит)

ЭхоКГ умумқабул қилинган методика бўйича LogicP7 GE аппаратида 5 МГц датчик ёрдамида М ва В режимларида ўтказилди. Унинг ёрдамида юрак нуқсони ўлчами, бўшлиқларнинг кенгайиши, рангли доплер картирлашда қон ташланиши, ЎҚда систолик босим қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди:

